



ANALYSIS OF OUR NATIONAL LEGISLATION ON THE ENFORCEMENT AND RECOGNITION OF DECISIONS OF THE INTERNATIONAL COURT OF ARBITRATION

Ergashev Isomiddin Shaxobidinovich ¹

Supervisor - Ph.D., S. Gulyamov, Professor of International Private Law

¹ Master's degree in International Arbitration and Dispute Resolution from Tashkent State Law University

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4737667>

ARTICLE INFO

Received: 20th April 2021

Accepted: 25th April 2021

Online: 30th April 2021

KEY WORDS

International arbitration, arbitration, arbitral tribunal, arbitrator, arbitral tribunal, court.

ABSTRACT

As a result of the formation of the investment climate in our country and the emergence of enterprises with a foreign element, it is important to theoretically implement the process of enforcement and recognition of decisions of international arbitration courts. Because today, the International Arbitration Courts are becoming an important tool for resolving disputes arising in relations between enterprises with interstate investment and foreign elements. In this context, it is necessary to study the legal basis for the enforcement and recognition of decisions of international arbitral tribunals. This article analyzes some aspects of the enforcement and recognition of decisions of international arbitral tribunals in practice.

ХАЛҚАРО АРБИТРАЖ СУДИ ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ ВА ТАН ОЛИШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИГИМИЗ ТАҲЛИЛИ

Эргашев Исомиддин Шахобидинович ¹

Илмий раҳбар – ю.ф.д, С. Гулямов, Халқаро хусусий ҳуқуқ кафедраси профессори

¹ Тошкент Давлат Юридик Университетининг Халқаро арбитраж ва низоларни ҳал этиш йўналиши магистранти

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-aprel 2021

Ma'qullandi: 25-aprel 2021

Chop etildi: 30-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

Халқаро арбитраж, арбитраж, арбитраж муассаси, арбитр, арбитраж суди, суд.

ANNOTATSIYA

Мамлакатимизда инвестициявий муҳитнинг шаклланиши ҳамда чет эл элементи иштирокидаги корхоналарнинг юзага келиши натижасида халқаро арбитраж суди қарорларини ижро этиши ва тан олиши жараёнини назарий жиҳатдан тадбиқ этиши муҳим аҳамият касб этади. Чунки бугунги кунда Халқаро арбитраж судлари давлатлараро инвестициявий ва чет эл элементи аралашган корхоналар низолари билан боғлиқ муносабатларда юзага келадиган низоларни ҳал этишининг муҳим воситасига айланиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда халқаро арбитраж судлари қарорларини ижро этиши ва тан олишининг ҳуқуқий асосларини ўраганини заруриятини келтириб чиқармоқда. Ушбу мақолада халқаро арбитраж судлари қарорларини ижро этиши ва тан олишини амалиётда қўллаш билан боғлиқ айрим жиҳатлари таҳлил қилинган.



Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга ошириш жараёни бошқа ҳуқуқ соҳаларга нисбатан долзарблигини йўқотмай келмоқда. Чунки, давлатнинг суд ҳокимияти ва улар томонидан чиқарилган қарорларнинг ижросини таъминлаш соҳасидаги функцияси жамият ва давлатнинг хавфсизлигига, аҳолининг тинчлигини таъминдаш, иқтисодиётнинг мустаҳкамланиши ҳамда халқаро доирада давлатнинг обрўсини таъминлашга хизмат қилади. Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида халқаро муносабатларга киришар экан ўз олдига ташқи сиёсатнинг устувор принципларини белгилаб олади. улардан бири сифатида низоларни тинч йўл билан ҳал этиш принципининг Конституция орқали белгиланиши халқаро арбитраж суди қарорларини ижро этиш ва тан олиш жараёнларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан жамиятда юз бераётган ижтимоий муносабатларнинг ўзгариши, халқаро ташкилотларнинг тавсиялари ҳамда илғор хориж тажрибаси асосида халқаро арбитраж суди қарорларини ижро этиш ва тан олиш тизими ислоҳ қилинмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сон фармони [1] иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилашда ҳамда суд-ҳуқуқ соҳасида янги бир босқични бошлаб берди.

Буюк Британия Олий арбитраж суди судьяси П.Гросснинг таъкидлашича, одил судловни таъминлашнинг асосий шарти

қонун устуворлиги ва судларнинг тўлиқ мустақиллигидадир. Ушбу икки омилдан бирининг бўлмаслиги жамиятда тенглик, адолат, одил судлов ҳақида гапирилишига имкон бермаслигини таъкидлаган.

Ўзбекистон Республикаси кўпчилиги ривожланган давлатлар сингари халқаро арбитраж судлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш мақсадида 1954 йил 1 мартдаги “Фуқаролик процесси масалалари тўғрисида”ги Гаага Конвенциясини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 22 декабрдаги 183-I-сонли “1954 йил 1 мартда имзоланган Фуқаролик процесси масалаларига доир Гаага Конвенцияси ратификация қилиш тўғрисида”ги қарори билан ратификация қилган ҳамда 1958 йил 10 июндаги “Чет эл мамлакатлари арбитраж қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида”ги Нью-Йорк Конвенциясига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 22 декабрдаги 184-I-сонли “1958 йил 10 июндаги халқаро ҳакамлик қарорларини ижросини таъминлаш ва уларни тан олиш бўйича Нью-Йорк Конвенциясига қўшилиш тўғрисида”ги қарори билан қўшилган.

“Чет эл мамлакатлари арбитраж қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида”ги 1958 йил 10 июндаги Нью-Йорк Конвенцияси нодавлат (ҳакамлик) судларининг қарорларини эътироф этиш ва ижро этиш тартибини ҳамда бевосита бир давлатнинг халқаро арбитраж суди қабул қилган қарорнинг бошқа бир давлат ҳудудида тан олиниши ва ижрога қаратилишини ёхуд ижрога қаратишни рад этиш шартлари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишни назарда тутади.



Мазкур Нью-Йорк Конвенцияси 16 моддадан иборат бўлиб, нодавлат (ҳакамлик) судларининг қарорларини эътироф этиш ва ижро этишнинг халқаро стандартларини ҳамда ижро этишнинг тартибини белгилаб беради. Ушбу халқаро стандартлар ўз навбатида Конвенцияни ратификация қилган давлатлар учун умуммажбурий бўлиб ҳисобланади.

Халқаро арбитраж судлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратишнинг ҳуқуқий асосларининг миллий қонунчилик нормаларини қуйидагича тизимга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси - олий юридик кучга эга бўлиб, қолган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар учун дастурамал норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси кодекслари - хўжалик юритувчи субъеклар ўртасидаги, хўжалик юритувчи субъеклар ва давлат ҳамда бошқа органлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси ҳамда фуқаролар ўртасида юзага келадиган шахсий ва шахсий номулкий муносабатларни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва Фуқаролик процессуал кодексини мисол қилиб келтирсак бўлади.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари - ижро ҳаракатларини амалга оширишнинг умумий шартлари, ижро ишини юритишда иштирок этадиган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати, мажбурий ижро асослари ва чоралари, ижро ҳужжатини бажармаслик учун жавобгарлик ва бошқа жиҳатлар тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги 258-П-сонли “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш

тўғрисида” ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 16 октябрда қабул қилинган 64-сонли “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 1 августда қабул қилинган 106-сонли “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонунларини келтириб ўтсак бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 5 февралдаги ПФ-1704-сонли “Хўжалик судларининг қарорлари ижросини таъминлашга оид чоратадбирлар тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 августдаги ПФ-2682-сонли “Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонлари.

Бошқа локал ҳужжатлар - Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси ҳузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг Регламенти, Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси ҳузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг Низоми киради.

Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти сифатида халқаро ҳуқуқ нормалари ва халқаро ташкилотлар томонидан чиқарилган қарорларни тан олиш, уларни миллий қонунчилигимизга мослаштириб бормоқда. Бу билан давлатнинг халқаро миқёсдаги обрўсини ошиб бориши ҳамда мамлакатимизда инвестиция муҳитини шаклланишига олиб келади. Айниқса, халқаро савдо сотиқларни амалга оширишда юзага келадиган



низоларни тўғри ҳал этиш давлатнинг ва тадбиркорлик фаолияти субъектларининг манфаатларига таъсир кўрсатади.

Шу муносабат билан, 2021 йил 16 февралда қабул қилинган “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги қонуни [2] халқаро тижорат арбитражларининг фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда янги бурилиш ясади.

Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлат (давлатлар) ўртасида амалда бўлган келишувларга риоя этган ҳолда халқаро тижорат арбитражга нисбатан ҳамда халқаро тижорат арбитражга тарафларнинг келишувига биноан тижорат хусусиятига эга бўлган ҳам шартномавий, ҳам шартномадан ташқари барча муносабатлардан юзага келадиган низолар берилиши мумкин.

Халқаро тижорат арбитражларида иш кўрилиши кўп жиҳатдан савдо-сотик битими қатнашчиларининг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлганлиги сабабли, уларнинг ташкил этилиши бериладиган ваколатлар, низони кўриб ҳал этиш тартиби, низо юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорларининг албатта бажарилишини таъминлаш масалалари ҳам низо иштирокчиларининг хоҳиши билан, яъни улар ўртасидаги арбитраж келишувлари ва арбитраж изоҳларига кўра белгиланади.

Халқаро савдо-сотик муносабатлари чоғида юзага келадиган низоларни ҳал этишнинг ҳуқуқий тизимлари яратилган бўлиб, унинг асосий шакли халқаро тижорат арбитражлари (ҳакамлик судлари)дир. Халқаро тижорат арбитражи бу савдо-иқтисодий низони низолашаётган томонлар танлаган ва келишиб ваколат берган бир ёки бир неча арбитражлар томонидан кўриб ҳал этишга қаратилган, нодавлат суд органи бўлиб, унинг

қарорлари мажбурий тарзда бажарилиши назарда тутилади [3].

Дарвоқеа, одил судловни амалга оширишнинг шартли белгиси бу – суд қарорларини ижро этиш ҳисобланади. “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги қонуннинг 30-моддасига кўра, арбитраж суди томонидан белгиланган таъминлаш чораси мажбурий кучга эга деб тан олинади ва, агар арбитраж суди томонидан бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ушбу Қонуннинг [31-моддаси](#) қоидаларига риоя этилган тақдирда, арбитраж жойидан қатъи назар, судга мурожаат этиш орқали ижрога қаратилади. Демак, арбитраж суди қарорлари мажбурий ҳисобланиб, тегишли тартибда судга мурожаат қилиш орқали ижрога қаратиш ҳуқуқи берилган.

Иқтисодий процессуал кодекси [4] нинг 248-моддасига мувофиқ, чет давлатлар судларининг ва арбитражларининг иқтисодиёт соҳасида юзага келадиган низолар ҳамда бошқа ишлар бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорлари, агар бундай қарорларни тан олиш ва ижрога қаратиш Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро шартномалари ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлса, улар Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судлари томонидан тан олинади ва ижрога қаратилади.

Чет давлат судининг ва арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ҳамда ижрога қаратиш масалалари иқтисодий суд томонидан низо бўйича ҳал қилув қарори ўз фойдасига чиқарилган тарафнинг аризаси бўйича ҳал этилади.

Ушбу Кодекс мақсадлари учун чет давлат суди деганда чет давлатнинг тарафлар ўртасидаги низони ҳал этувчи ваколатли органи тушунилади, чет эл арбитражи деганда чет давлатнинг тарафлар ўртасидаги низони ҳал этиш учун



доимий ёки вақтинча асосда фаолият кўрсатадиган нодавлат ташкилоти тушунилади.

Чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарори, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, у қонуний кучга кирган пайтдан эътиборан уч йил муддат ичида, тан олиш ва ижрога қаратиш учун тақдим этилиши мумкин.

Мазкур Кодекснинг 249-моддасига асосан чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ариза аризачи томонидан Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига қарздорнинг жойлашган ери ёки яшаш жойи бўйича ёхуд, агар қарздорнинг жойлашган ери ёки яшаш жойи номаълум бўлса, қарздор давлат рўйхатидан ўтказилган жой бўйича берилди.

Кодекснинг 258-моддасига кўра, чет давлат судининг ва арбитражининг ҳал қилув қарорини ижрога қаратиш чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида ажрим чиқарган суд томонидан бериладиган ижро варақаси асосида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Юқорида чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратилишининг айрим масаларига тўхталиб ўтдик. Ҳозирги кунгача ушбу соҳага оид муносабатларни тартибга солувчи ягона қонун ҳужжати мавжуд эмаслиги ҳамда тарқоқ ҳолда тартибга солиниши сабабли кўплаб қийинчиликлар юзага келган. Холбуки, Англия, Франция ҳамда Россия давлатларида арбитраж қарорларини тан

олиши ва ижро этиш бўйича ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд. Шуни инобатга олган ҳолда мамлакатимизда 2021 йил 16 февралда “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонун орқали халқаро тижорат арбитражларининг фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлиб, халқаро тижорат арбитражлари қарорларини тан олиш ва ижро этиш Иқтисодий процессуал кодекси орқали амалга оширилиши белгиланган.

Бирок, ушбу соҳага оид қуйидаги камчиликлар ҳам мавжуд.

Биринчидан, ИПК ва ФПК бўйича фақатгина Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро шартномасида ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардагина (ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича икки ва кўп томонлама шартнома назарда тутилмоқда) арбитраж қарорларни тан олиш ва ижро этишни сўраб мурожаат қила олиш мумкинлиги, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси билан шартномавий муносабатларга киришмаган, ёки Нью-Йорк Конвенсияси ёки шунга доир бошқа халқаро шартномаларни имзоламаган давлатлар, уларнинг жисмоний ва юридик шахслари билан бўладиган ҳуқуқий муносабатлар очиклигича қолмоқда.

Ваҳоланки, Халқаро хусусий ҳуқуқда ўзаролик тамойили мавжуд. Бу тамойил орқали икки томонлама ҳамкорлик ёки ҳуқуқий ёрдам тўғрисида шартноманинг бўлиш бўлмаслигидан қатъий назар муносабатларга киришиш мумкинлигини назарда тутди. Англияда, масалан, 1996 йилда қабул қилинган Қонуннинг (The Arbitration Act 1996) 101-бўлимига асосан, агар Конвенсияга ҳам аъзо



бўлмаган, шартнома ҳам мавжуд бўлмаса, инглиз судларига қилинган мурожаатлар, айнан тан олиш ва ижро этилиш билан боғлиқ мурожаатлар, судлар томонидан кўриб чиқилиши мумкин. Миллий қонунчилигимизда бу масала ҳал этилмаган.

Иккинчидан, тан олиб ижрога қаратилган ва МИБ томонидан ижроси таъминланган қарорларнинг натижалари ҳақида ундирувчиларга тегишли тартибда хабардор қилиш механизмини ҳам тартибга солиш зарур. Сабаби, амалиётда ижроси таъминланган арбитраж қарорлари ҳақида ундирувчиларга маълумот тақдим этилмаганлиги натижасида, улар қайта мурожаат қилишга мажбур бўлишмоқдалар.

Юқоридагиларни инобатга олиб, шу каби муносабатларни тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинишини ўринли деб ҳисоблайман.

Учинчидан, ИПК 254-моддасига асосан, тан олиш ва ижро этиш бўйича ариза келиб тушган кундан этиборан **олти ойдан ошмаган муддатда** суд мажлисида кўрилиши белгиланган.

Тарафларга эса ҳеч қандай муддат берилмаган, яъни далиллар тақдим этиш ва жавобгарга рад этиш учун асослар тақдим этишга. Буюк Британияда қабул қилинган “The Arbitration Act 1996”нинг 101 ва 66-бўлимларига кўра, тарафларга суд томонида белгиланган муддатлар берилиши мумкин.

Тан олиш ва ижро этишни сўраб мурожаат қилинган, аризани кўриб чиқиш учун қабул қилган суд, тақдим этилган ҳужжатларни жавобгарга йўллайди ва муддат беради.

Бу муддат давомида тарафлар рад этишни сўраб мурожаат қилиши ёки ижро этиб бўлмаслиги тўғрисида маълумотлар тақдим этиши учун. Агарда тараф ҳужжат

тақдим этмаса, суд ижро этиш тўғрисида қарор қабул қилишидан олдин жавобгарга яна муддат беради ва бу муддат жавобгар томондан аризани тан олиш ёки судда ўзини ҳимоя қилиш мақсадида далиллар тўплаш учун берилади.

Агарда, жавобгар томонидан ижро этиш бошланган бўлса, у қайси босқичда бўлишидан қатъий назар, суд далиллар ва аризалар алмашинуви бўйича кўрсатмалар беради.

Бу амалиёт кўплаб хорижий мамлакатлар, жумладан, Франция ва Швецияда қўлланилади. Буюк Британия тажрибасини ўрганиш натижасида, агар ушбу амалиёт, яъни ишни кўриш учун белгилаган олти ойнинг ўрнига юқоридаги тажрибани амалиётга қўллаш учун қайта кўриб чиқиш лозим бўлади.

Бу тажриба миллий қонунчилигимизда ҳам жорий этилса, жавобгар судда ўз позициясини мустаҳкамлаши ёки суд процесси учун зарур материлларни тўплаши ёки ижрони таъминлаш чораларини кўриши учун муддатлар берилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси ваколатли судлари томонидан халқаро арбитраж қарорларини тан олиш ва ижро этиш билан боғлиқ процессларда, судьяларга амалиёт, хорижий тажрибалар кам ўрганилганлиги учун маълум бир камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Шунинг учун, судьяларнинг ҳуқуқни қўллаш жараёнида малакасини ошириш мақсадида малака курслари ташкил этиш лозим деб топилди. Бу малака курсларида судьяларга тан олиш ва ижро этишга доир ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳам хорижий давлатларнинг тажрибалари ўргатилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.



Буюк Британияда арбитраж қарорларини тан олиш ва ижро этиш икки метод асосида: бири арбитраж томонидан қабул қилинган қарорни ўзини борича ижрога қаратиш, иккинчиси эса, миллий судлар томонидан (1996 The Act, 101 (3)) арбитраж қарорига тарафларнинг позициясидан келиб чиқиб ва улар учун фойдалироқ бўлиши учун ўзгартириш киритиши мумкин [5]. Демак, инглиз судларига арбитраж қарорларига тарафларнинг розилиги билан ҳамда уларнинг фойдасига қарорга ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилган.

Таъкидлаш жоизки, юқорида келтирилган таклифлар мақолада таҳлил қилинган халқаро арбитраж қарорини тан олиш ва ижро этиш билан боғлиқ амалиёт, шунингдек, ҳозирги даврда мавжуд бўлган замон талабларидан келиб чиққан, хориж тажрибасини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилди.

Билдирилган таклифлар мамлакатимизда одил судловни амалга ошириш жараёнида қўл келиши мумкин деган фикрдаман.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги қонуни. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.02.2021 й., 03/21/674/0123-сон).
3. Халқаро савдо ҳуқуқи. Дарслик // Муаллифлар жамоаси / ю.ф.д., проф. С. Гулямов умумий таҳрири остида. –Т.: ТДЮУ, 2016. 331-бет.
4. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/663/0013-сон).
5. Charlie Lightfoot, James Woolrich. Guide to Enforcement of Foreign Arbitral Awards and Court Judgments in England & Wales. Practice Series. 2017. p.4.